Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6 4-йил чиқиши. ДЕКАБРЬ 1969 й. ШАНБА № 285 (1046). БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУН ШАҲРИМИЗДА

ЯРМАРКА КЕНГАЯДИ

Бугун

ЧИЛОНЗОРНИНГ ФАРҲОД КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН САВДО ЯРМАРКАСИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ.

Шаҳар партия комитети ва ижроия комитети қабул қилган қарорда аҳоли талаби ва эҳтиёжини эътиборга олиб ярмаркани икки марта кенгайтириш кўрсатилган. Бу ерда 800 савдо ходими ишлайдиган турли хил павильонлар, қурилиб, ишга туширилади. Бундан ташқари 650 ўринли қаҳвахона ҳам харидорлар хизматида бўлади. Ярмарканинг иккинчи навбатида кийим-кечаклар, пойафзаллар, хўжалик моллари қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, балиқчилик саббазот магазинлари ва аттракционлар, 3 минг ўринли «Шапито» типидаги цирк қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Ярмарка лойиҳасини тайёрлаган шаҳар ижроия комитетининг лойиҳа конструкторлик бюроси «Ветерок» типидаги павильонларни қишда иситиш ва ёзда совутиш конструкциясини ҳам тайёрлади. Хуллас, павильонларда харидорлар учун ҳамма шароитлар яратилади.

Бу иккинчи навбат доҳий Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейигача қурилиб битказилади.

ОЗИҚ - ОВҚАТ ДЎКОНИ

Бугун

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ЧИМБОЙ КЎЧАСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ДЎКОНИ ИШЛАЙ БОШЛАДИ. Бу ерда ҳар хил кондитер маҳсулотлари, турли ширинликлар билан савдо қилинади. Янги озиқ-овқат дўконининг очилиши маҳалла аҳолисига катта қулайлик туғдиради.

ЧАНҒИ САЙРИ БОШЛАНДИ

Чимён тоғларида қор ёғди. Ҳадемай тоғ этакларида чанғи сайри бошланади. Тошкентдаги экскурсия ва саёҳатлар бюроси Чимёнда чанғи спорти ишқибозлари ва дам олувчилар учун қишки мавсумни ташкил қила бошлади.

Бугун

БЮРО ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН ТУРЛИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИДАН 60 КИШИ БИРИНЧИ ЧАНҒИ САЙРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ.


● ЗАФАРЛАРИМИЗ ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

Ёшлар вахтада

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг 300 дан ортиқ ёшлари ва 70 комсомол-ёшлар бригадаси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик қутлуғ тўйини муносиб кутиб олиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Яқинда бир гуруҳ ВЛКСМ аъзолари меҳнат унумдорлигидаги юқори кўрсаткичлари учун СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

Шу ёшлардан С. Исмоилов, А. Шукуров, В. Дурягин ва М. Порцевлар «Социалистик мусобақа аълочилари» нишони билан ҳам тақдирланишди.

Токарь Г. Ситникова, фрезерчи Р. Фокин, А. Корочкин ва шлифовкачи Н. Жулниалар касб маҳорати бўйича конкурс ғолиби бўлишди. Азаматлар қутлуғ юбилейни юқори кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишяпти.



СУРАТДА: Тошкент офсет фабрикасининг зарбдор ишчиси босма агрегат машинисти Шоали Шоакбаров.

«ОҚИЛОН»

Кўкча даҳасидаги янги кинотеатрнинг номи шундай деб аталади. Улуғ доҳий юбилейига армуғон этиладиган бу 820 ўринли кинотеатр биносини «Главташкентстрой»га қарашли 6-трестнинг 7-қурилиш бошқармасидаги В. Турусбеков прораб бўлган бинокорлари қуришяпти.

Монтажчилардан эстафетани қабул қилиб олган 2-пардозлаш трестининг С. А. Азизов бошқараётган 29-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари, қалб кўзи билан бинога зеб бермоқдалар.

Я. И. Кац бошчилик қилаётган участка сайқалчилари, дурадгорлари бинони 29 декабрда аъло баҳо билан батамом фойдаланишга топширишга қарор қилишган.

Т. НАЖМИЙ.



Саидбилол Ғуломов асбобсозлик заводининг моҳир фрезерчиси. У бу корхонада 15 йилдан бери баракали меҳнат қилмоқда.

● *Кўчат экиш ойлиги давом этмоқда*

Чилонзорнинг яшил либоси

Шаҳримизда кўчат ўтказиш ойлиги қизғин давом этяпти. Ойликда уй-жой бошқармалари, маҳаллалар, корхоналар, олий ўқув юртлари, мактаблар, районларнинг коммунал хўжалик бўлими ходимлари фаол иштирок этмоқдалар.

Бу ҳақда Чилонзор район коммунал хўжалиги бўлими мудири Наби Ғаниев қуйидагиларни ҳикоя қилади:

— Ўтган баҳорда ходимларимиз жамоатчилик кучига таяниб кўча четлари, хиёбон ҳамда боғларга 48300 туп мевали ва 50 минг тупга яқин манзарали дарахт, 620500 туп гул кўчатлари ўтказишган эди. Бу ишларнинг яхши парвариш қилинмоқда.

Ҳозирги кўчат ўтказиш ойлигида эса 50 минг туп мевали ва 60 минг туп манзарали дарахт кўчатлари экилади. Районимиздаги янги ташкил топган турар-жой массивларини кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берилаётир. Умумхалқ ҳашарида «Ўзбекфильм», троллейбус парки, сут комбинати, Дўмбирободаги кўп профилли касалхона хизматчилари, Москва, Дўмбиробод, Қизил Шарқ, 1, 2-қурилиш, Титов, Тоҳир ва Зуҳра номли маҳалла меҳнатсеварлари фаол қатнашдилар.

Муқимий, Пионер, Ғ. Ғулом, Қатортол кўчаларида янги хиёбонлар барпо этилди. Халқлар Дўстлиги, Волгоград, Подмосковье, С. Сегизбоев кўчаларида янги боғ ва хиёбонлар бунёд этилмоқда.

Ракета, Оқтепа хиёбонларида, Чилонзор, Муқимий, Байнал-милал, Янги Ўзбекистон, Халқлар Дўстлиги кўчаларида дарахтларни суғориш учун ёмғирлатиш ускуналари қурилди.

Жамоатчиликнинг яқиндан берган кўмаги билан ҳафтада бир марта шанбаликлар уюштирилади. Бунда ҳар бир ташкилот, корхона, муассаса, мактаб, олий ўқув юртлари ўзига тегишли майдон, кўча, хиёбонларни тартибга келтиради.

Ҳафтанинг ҳар душанба куни эса озодалик бўйича район штаби аъзоларининг йиғилиши бўлади. Штабнинг йиғилишига райпишчеторг, райкомхоз, район санитария - эпидемиология станцияси, турар-жой бошқармалари ходимлари таклиф қилинади.

Бунда муассаса ва идораларнинг озодалик ва кўкаламзорлаштириш бўйича олиб бораётган ишлари атрофлича муҳокама қилинади. Келгуси ҳафта учун қилинадиган ишлар плани белгилаб олинади.

«ОВХ» — САМОЛЁТ БИЛАН РАҚОБАТ ҚИЛАДИ

ЯНГИЙЎЛ. Урта Осиё машина синаш станциясида пахтазорларни химикатлар билан ишлайдиган янги агрегатга юксак баҳо берилди. Трактторга осиладиган бу агрегат бир варакайига 20 қаторни қамраб олади ва бир сменада 65 гектар майдондаги ғўзани чанглайди. Шундай қилиб, у меҳнатининг баракалиги жиҳатидан самолёт билан рақобатлаша олади. Лекин экономика тўғрисида гап кетадиган бўлса, бунда агрегатга тенг келадиган рақобатчи топилмайди. Чунки ғўзани ерда туриб ишлаш ҳаводан туриб дорилашга нисбатан тўрт баравар арзон тушади.

«ОВХ-14.4» маркали агрегат — чангловчи вентиляцион бўлиб, ғўзани дорилашда қўлланиладиган бу механизмдан боғлар ва токзорларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Янги агрегатни чиқариш «Ташкимсельмаш» заводига топширилди. (ЎзТАГ).

«Космос - 313» парвозда

1969 йил 3 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг павбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос»-313» учирилди.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ҚЎШИЛАМИЗ, ДАЪВАТ ЭТАМИЗ

1970 ЙИЛ 11 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

«Қизил тонг» тикувчилик фирмаси коллективининг доҳий Ленин туғилган кунининг юз йиллиги арафасида Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги чақириғи пойтахт саноатчиларн қатори «Шарқ» мебель фирмаси ишчиларн, инженер-техник ходимларн ва хизматчиларнинг ҳам қалбидан жой олди.

Ватанимиз пойтахти Москвада туғилган ташаббусни тўла қўллаб-қувватлаган «Қизил тонг» фирмасининг меҳнатчилари 11 апрель куни тежалган материаллардан 2500 пальто тикиш ва шу кунги иш ҳақини беш йиллик фондига ўтказиш мажбуриятини олганлар.

Бу ватанпарварлик ташаббусига қўшилган фирмамиз коллективи ўз имкониятларини қараб чиқиб шундай қарорга келди:

— 1970 ЙИЛ 11 АПРЕЛЬ КУНИ БУТУН КОЛЛЕКТИВ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА ЧИҚАДИ;

— ШУ КУНИ ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАРДАН 400 БОЛАЛАР СТУЛИ, 50 КИЙИМ ЖОВОНИ, 50 БУФЕТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ;

— 11 АПРЕЛЬ КУНГИ МЕҲНАТ ҲАҚИГА ОЛИНАДИГАН МАБЛАҒ БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА ЎТКАЗИЛАДИ.

Фирма коллективи 1969 йилги план топшириқларни бажариш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятини ҳам қайта қараб чиқди. Маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини 17 декабрда бажариш ва йил охиригача планга қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш юзасидан оширилган мажбурият олинди.

Маҳсулот таннархини камайтиришдан 70 минг сўмлик иқтисод қилиш планлаштирилган эди. Энди бу рақам 108 минг сўмга оширилди. Меҳнат унумдорлиги 11 процент ортди.

Фирмамиз коллективи республика мебелсозларига мурожаат қилиб «Қизил тонгчиларнинг чақириқларини қўллаб-қувватлаш ва унга қўшилишга, доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятни аньанавий Коммунистик шанбалик ўтказиладиган кунгача бажаришга даъват этади.

Ғ. РАЖАБОВ,
«Шарқ» мебель фирмасининг директори.

И. ИСЛОМОВ,
фирма партия ташкилотининг секретари.

А. ДАДАМУҲАМЕДОВ,
фирма касаба союз комитетининг раиси.



Фаима Зиганшина «Қизил тонг» фирмасининг 4-цехида тикувчи мотористка бўлиб ишлайди. Коммунистик меҳнат зарбдори, комсомол аъзоси Фаима кунлик нормасини 140-150 процентга етказиб бажармоқда.

СУРАТДА: Ф. Зиганшина. И. Шоинғомов фотоси.

ҚАҲРАМОНЛИК РУҲИДА

Харбий ватанпарварлик тарбияси Тошкент халқ университети Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарих музейида қизиқарли машғулот ўтказди. Бу музейнинг экспозициялари ҳар бий хизматга чақирилувчи ёшлардан иборат тингловчиларга Туркистон жангчиларининг кўрсатган қаҳрамонликлари шонли йилномаси билан танишишга ёрдамлашди.

Бу жамоат ўқув юртида шунга ўхшаш экскурсияларни ўтказиш оддий одат бўлиб қолди. Хозир бу университетда бўлажак жангчилардан 150 дан ортиқроқ киши билим олмоқда. В. И. Ленин номли умумий қўшинлар командирлари тайёрловчи Тошкент олий билим юртида яқинда шундай кўчма машғулотлар ўтказилди. Университет тингловчилари революция жойлари ва оталарининг меҳнат шарафи жойларига қилинган уч кунлик юришда қатнашдилар. Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводи тарих музейи залларига экскурсия қилдилар.

Ватанимизнинг бўлажак ҳимоячилари граждан ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашмоқдалар. Совет Итгифоқи Қаҳрамонлари А. Эшонқулов билан П. М. Ковтуннинг ҳикояларини улар зўр иштиёқ билан тинглашди.

Ўқув программасида социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисида Ленин васиятларига бағишланган лекциялар, Совет Армияси сафида хизмат қилиш СССР граждани нинг муқаддас бурчи ва фахрли вазифаси эканлиги ҳақидаги лекциялар асосий ўрин олган. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси университетида беш йил мобайнида бир ярим мингдан ортиқроқ киши таълим олди.

(ЎзТАГ).

Тошкентликлар «оқ олтин» далаларида

БАЙРОҚДОРЛАР

Сирдарё области далаларида неча юзлаб тошкентлик механизаторлар ғайрат билан «оқ олтин» теришаётир. Шу жумладан, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг 108 ходими ҳам бу ерда ғайрат билан иш олиб бораётир. Улар Еттисой районидаги Ленин номли совхоз далаларидан кунига 5.5-6 тоннага етказиб кўрак теришмоқда. Бу меҳнатсевар коллектив икки марта совхоз дирекцияси, партия ташкилоти, ишчилар комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофотини олишга муяссар бўлган эди. Улар йилбрининг иккинчи ўн кунлигида эришган меҳнат зафарлари учун Еттисой район партия комитети ҳамда ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини ва пул мукофотини олишга сазовор бўлишди.

Бундай улкан ютуқни қўлга киритишда Зоҳидова, Содиқов, Ким, Донёров, Азимов, Мирсандов каби меҳнатсеварларнинг улуши катта бўлди.

Инженерлардан ўн бир киши «зангори кема»ларни бошқармоқда. Улар совхознинг ғилғор механизаторлари қаторида унумли меҳнат қилишаётир. Министрликнинг инженерларидан А. Свиридов, З. Жабборов, Ғ. Азимовларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Тошкентлик бу меҳнатсеварлардан пахтакорлар беҳад миннатдор.

● *Пойтахтимиз меҳмонлари*



ПОЛЬШАЛИК МЕҲМОН

Польша Халқ Республикасида чиқадиган сатирик «Шпилька» журналининг масъул секретари, сатирик ёзувчи Ядвига Рутковска бир неча кун Тошкентда меҳмон бўлди.

— Мен Тошкент вилояти ҳақида газетада ўқиганман ва радиодан эшитганман. Аммо минг эшитгандан бир кўрган афзал экан. Тошкентда ажойиб ишлар қилинаётганлиги мени қувонтирди. Мен сатирикман. Бироқ кўз ўнгимда Ўзбекистон дўстликнинг ёркин тимсоли, қардошлар оиласининг гуллаб-яшнаётган бир чаманзоридек бўлиб кўринмоқда, — деди меҳмон.

Ядвига Рутковска «Муштум» журнали редакциясида ҳам бўлиб, ҳамкасблари билан учрашди.

СУРАТДА: подьшалик сатирик ёзувчи Ядвига Рутковска (ўнгдан иккинчи) ва «Крокодил»нинг унга ҳамроҳ бўлиб келган ходими В. Синцова «Муштум» журнали редакцияси ходимлари билан.

Р. Альбеков фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

РАЗИЛ АГРЕССИЯ

БАЙРУТ, 3 декабрь. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Ливанга янги агрессия қилди. Ливан қуролли кучлари қўмондонлигининг ахборотида маълум қилинишича, бугун эрталаб Исроил авиацияси Ливаннинг шарқий жанубидаги, Хермон тоғининг ғарбий этакларида жойлашган Кфар, Шуба ва Шебаа қишлоқлари районида хаво десанти туширди. Бундан олдин ушбу районни тўпга тутган эди. Ливан қуролли кучларининг артиллерияси жавоб ўти очди. Отишма 2 ярим соат давом қилди, шундан сўнг агрессорлар ўз территориясига қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Америка агрессорлари Жанубий Вьетнамнинг Сонгми қишлоғида инсон ақли бовар қилмайдиган вахшийлик қилдилар. Пентагон ўз жиноятини яшириш мақсадида ҳалок бўлганларнинг расмини эълон қилишни таъқиқлади. Суратда: ёвуз қабиҳликдан кейин омон қолган вьетнамликларни кўриб турибсиз.

ТАСС телефотоси.



ЛЕНИН БЎЛГАН ЖОЙЛАРДА

Бу йили кузда мен кекса коммунистга башар оламнинг буюк доҳийси, ўлмас Ленининг муборак қадамжойларини кезиб зиёрат қилиш бахти насиб бўлди. Владимир Ильичнинг 100 йиллик юбилейи олдидан уюштирилган сафар-зиёрат менга ва мен билан бирга борган республикамиз қишлоқ хўжалигининг атоқли кишиларидан иборат зиёратчиларга унутилмас таассуротлар бағишлади.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институти қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш ветеранлари учун уюштирган бу сафарда Ленин номини дилга жо қилиб минглаб километр йўл босдик. Ўн беш кун давомида республика қишлоқ хўжалигининг уч юздан зиёд ветеранлари Тошкентдан чиқиб, Ульяновск, Қозон, Москва, Ленинград, Зеленогорск, Виборг, Куйбишев шаҳарларида бўлдилар, бу шаҳарлардаги Ленин номи билан боғлиқ тарихий ёдгорликларни зиёрат қилдилар.



Бу сурат Горкадаги Ленин музейида олинди. Республикамиз қишлоқ хўжалиги ветеранлари музей экспонатларини кўздан кечиришмоқда.

Социалистик қишлоқ хўжалигининг улкан галабалари—кооперативлаш ленинча таълимотининг амалий натижасидир. Бу галабаларни қўлга киритишда мана шу сафар-юриш қатнашчилари бевосита қатнашган. Улар Ленин таълимотини амалга ошириш йўлида жонбозлик килган кекса авлод намояндаларидир.

Зиёратчиларнинг «Дўстлик» деб аталмиш поезди йўл босар, ҳар бир йирик манзилгоҳда минглаб қишлар қуёшли республикадан бораётган биродарларини қучоқ ёзиб зўр тантана билан қаршн оларди. «Дўстлик» поезднинг келишидан эса, ҳар ерда ўзбек миллий карнай-сурнай садолари, ашулачиларнинг қувноқ куй, рақсаларнинг шўх рақслари дарак берарди.

Мана, биз Ульяновск шаҳридамиз. Бу қадимий Симбирск шаҳри, инсониятнинг ўлмас доҳийси Владимир Ильич Ульянов—Ленининг болалиги ва ёшлиги билан боғлиқ мўътабар жойлар шаҳарнинг ифтихори ва шуҳратидир. Биз мана шу табаррук жойларни зиёрат қилар эканмиз, кўз олдимизда улуғ инсоннинг ёшлик онлари, ажойиб ҳаёт лавҳалари жонланарди. Мана, Ульянов ва Гончаров кўчаларининг бурчагида икки қаватли гиштин уй, рақами 17. Бу ҳовлига 1869 йилнинг кузида маорифчи Ульяновлар оиласи ўрнашади. Шу ҳовлида ўтган асрнинг 70 йили баҳорида башар қуёши В. И. Ленин туғилган эди.

Ульяновск шаҳрида Ленин номи билан боғлиқ тарихий жой фақат шугина эмас. Собиқ Московский — ҳозирги Ленин кўчасидаги 58-уй ҳам Ильичимизнинг болалик ва ёшлик ҳаёти — дан гувоҳлик беради. Симбирск гимназиясини битиргач, ёш Владимир Ульянов мана шу уйдан бутун оиласи билан Қозонга кўчган ва Қозон университ е т и га ўқишга к и р ган. Маълум элларга озодлик берувчи инқилоб учун туғилган Ленин марксистик таълимот билан илк бор мана шу шаҳарда танишган.

Қозондаги Ленин номи билан боғлиқ тарихий жойлар диққатга сазовор. Шаҳарни сайр қилиб чиққач, область партия комитетида дўстона учрашув бўлди. Бунда Татаристон қишлоқ хўжалиги министри Фотих Халилович Минишев нутқ сўзлаб, бизнинг таассуротларимизни тўлдирди. Ҳозир бу автоном республикада 15 олий ўқув юрти, 58 илмий-текшириш институти мавжуд. В. И. Ленин ўқиган Қозон университети студентларининг 3 минг нафари татар ёшларидир.

Ватанимизнинг пойтахти жонажон Москвага бордигу, чиндан барҳаёт Ленинни кўргандек бўлдик. Ленин тузган Коммунистик партиянинг штаби ва Совет давлатининг марказн, қадимий муҳташам Кремлнинг юксак минораларидаги ярқироқ ёқут юлдузлар, баланд гумбаз тепасида ҳамиша ҳилпираб турган Қизил байроқ Ленин руҳи билан, Ленин фикри билан, Ленин таълимоти билан барқарор ва нурафшон. Айниқса, В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейи яқинлашаётган шу онларда севимли Москванинг ҳар бир биносида, ҳар бир кўча, хиёбонида, корхона, илмхонасида, хуллас, ҳамма ерида Ленинни баралла тасаввур қилдик. Кети кўринмас жонли дарё оқимидай одамлар сафи Қизил майдон бўйлаб мавзолейга қараб оқаётганини кўрганимизда, қалбимиз ҳаяжон ва ифтихор туйғулари билан тўлқиланди. Биз ҳам шу оқим ичида эдик, турли элюртдан келган турли миллат зиёратчилар қатори Ленинни кўрдик.



«Дўстлик» поезди қатнашчилари Ульяновск шаҳрида. Бу ерда карнай-сурнай садоси узоқ янгради. Ўйин-кулги авжига чиқди.

Москвада Ленин билан боғлиқ зиёратгоҳлар, ёдгорликлар, қадамжойлар кўп. Ленин музей-хонаси, кабинети асло унутилмас, ниҳоят бой хотиралар қолдирди. В. И. Ленин порлоқ умрининг сўнгги йилларини, ҳасталик пайтларини ўтказган Москва ёнидаги Горки қишлоғида бўлдик. Бунда улуғ доҳий 1921 йилдаёқ қишлоқ аҳолиси билан коллектив хўжалик тўғрисида суҳбат ўтказган. Бу ерда 1929 йили колхоз тузилиб, унга В. И. Ленин номи берилган. Доҳий ҳаётининг сўнгги онлари ўтган Горкидаги бино музейга айлантирилган. Бунда унинг қишки кийимлари, ов қуроллари, ов вақтида кияднган этиги, касаллик чоғида фойдаланган икки гилдиракли курси-аравача, китоблар қўйилган жовон, ёзув столи, стуллари, уй асбоблари аслича сақланган, буларнинг ҳаммаси камтар ва сермеҳнат ҳаётидан гувоҳлик берарди.

Биз «Дўстлик» поездида Октябрь революциясининг бешиги Ленинград шаҳрига келдик. Бу ерда Аврора крейсери, В. И. Ленин 14 ой давомида қамоқда бўлган турмани, В. И. Ленин Емильчнов билан бирга бир ой давомида яшириниб яшаган чордоқни кўрдик. Ленин мана шу ердан 1917 йил августа ойида Финляндияга кетган.

Тарихий Смольнийда бизни партия, совет ташкилотларининг вакиллари, бир группа пенсионерлар кутиб олдилар. Ленинград область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Михаил Алексеевич Тахиров, область партия комитети пропаганда бўлимининг раҳбар ходимлари Ленинград тўғрисида ажойиб, мароқли ҳикоялар сўзлаб бердилар. В. И. Ленин 1918 йилда Смольнийда 124 кун яшаган ва ишлаган. Бу ерда унинг уй-музейи ташкил этилган.

Биз Ленинград шаҳри билан танишдик. Нева соҳилларида бўлдик. Сўнгра Зеленогорск ва Финляндия қўлтиғида бўлиб, Виборг томонни томоша қилдик. Бу ерлар ҳам улуғ Ленин қадамжойлари.

Хуллас, Ленин туғилган, яшаган, ўқиган ва ишлаган табаррук жойларни зиёрат қилар эканмиз, унинг қандай камтар, оддий, фидокор, одамдўст улуғ инсон, айни вақтда, мисли сиз доно йўлбошчи, меҳрибон бошлиқ сифатида миллионлар қалбидан абадий жой олганини яна ва яна ҳис қилдик. Биз кекса коммунистлар, гарчи Ленин йўлидан оғишмай бориб, унинг таълимотини дилимизга жо қилиб ишлаган бўлсак-да, Ленин қадамжойларини кўрганимиздан кейин, унинг порлоқ ҳаёт йўлини такрор мушоҳида қилганимиздан кейин, тўғрисини айтсак, ўзимизни бир оз ноқулай ҳис қилдик. Чунки биз ленинча яшаш ва ишлашни яна ҳам чуқурроқ ўрганишимиз, ҳамма ерда, ҳар бир ишда унга изчил амал қилишимиз, ленинча камтар, одамдўст, фидокор бўлишимиз, коммунизм ғалабаси учун янада кўпроқ, ҳормай-толмай ишлашимиз зарур. Ленин партиясининг аъзоси деган улуғ номга муносиб бўлиш кўп нарса талаб қилажагини ҳеч унутмаслик лозим. Мен билан бирга бўлган ҳамсафар коммунист ўртоқларим республика қишлоқ хўжалиги ветеранлари ҳам Ленин қадамжойларини, хусусан, Москвани кўрганларидан кейин худди шундай фикрни баён қилишди.

Биз Ленин номи билан ҳамиша бахтиёрмиз.

Ғойиб БУРИБОЕВ,
1927 йилдан КПСС аъзоси, Республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер.



Ульяновск шаҳридаги Ленин музейида. Бу музей республикамиздан борган қишлоқ хўжалиги оқсоқолларида катта таассурот қолдирди.

М. Тўйчиев фотолари.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚУРИЛИШ БАРВАҚТ БИТКАЗИЛМОҚДА

ТЕҲРОН. Совет мутахассислари Теҳронга борадиган газ қувурини қуриб битказдилар.

112 километрли бу газ қувури Эроннинг жанубдаги нефть кони районларидан Совет-Эрон чегарасидаги совет Астара шаҳрига боруви асосий магистрал йўлдан ажратилган тармоқдир.

Теҳронга борадиган газ қувури 1969 йилнинг март ойида ётқизила бошлаган бўлиб, 1970 йилнинг 1 январигача битиши керак эди. Аммо совет мутахассислари барча қурилиш ишларини барвақт — Октябрнинг 52 йиллигига тамомлаб қўйдилар.

487 километрли асосий газ қувур магистрали ҳам муваффақиятли ётқизилиб бормоқда. Яна 87 километр қувурни пайвандлаш қолди. Олдинда Мазандаранинг ботқоқ шолипоя ерларидан иборат энг қийин участка турибди.

(ТАСС).

ПАРТИЗАНЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

АММОН. Бирлашган Фаластин қўмондонлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида қуйидагилар айтилган: араб партизанлари шу йил ноябрь ойи ичида Исроил томонидан босиб олинган территорияларда Исроил қўшинларига қарши 478 ҳужум операциялари ўтказганлар. Фаластин партизанлари ана шу операциялар натижасида душманнинг 255 автомашинасини мажақлаб ташлаганлар. 40 та кўприк ва акведук (осма қувур)ни вайрон қилганлар, 60 та турли иншоотларни бузганлар, бир қанча темир йўл участкаларига шикаст етказганлар, шунингдек, Исроил ҳарбий хизматчиларига қарши 130 та пистирма қўйганлар.

Исроил босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда партизанлардан 11 киши ўлди ва 4 киши ярадор бўлди.

Баёнот охирида бундай дейилади: Фаластин партизанларининг операциялари жуда кенг территорияда — Жанин, Хеброн, Рамалла, шунингдек Газо полосасида ҳам олиб борилди. (ТАСС).



КХДР. Пхеньян ТЭЦининг янги участкаларидан бирида.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

НЬЮ-ЙОРК. «Женерал электрик» компаниясининг 140 минг ишчиси иш ташлаганига олти ҳафта бўлди, лекин хўжайинлар меҳнаткашларнинг талабларини қондиришдан қаттиқ туриб бош тортмоқдалар.

Денверда (Колорадо штати) 3200 муаллимнинг икки ҳафта давом этган забастовкаси тугади. Муаллимлар иш ҳақини оширишга муваффақ бўлишди.

РИМ. Италиянинг турли шаҳарларида 5 миллион меҳнаткаш янги коллектив шартномалар тузишни талаб қилиб курашни давом эттирмоқда. Неаполда давлат сектори ва хусусий сектор корхоналарининг металлистлари 1 соатлик забастовка ўтказ и ш д и. У л а р металлургларга ва машинасозлар касаба союзи вилоят ташкилотининг секретари Марио де Роз қамоққа олинганига қарши қаттиқ норозилик билдиришди.

КОЛОМБО. Ҳозирги вақтда Цейлонда забастовка ҳаракати кучайиб кетди. Темир йўл машинистлари ва кондукторларининг забастовкасидан кейин портдаги 14 минг ишчи ҳам иш ташлади. Булар иш ҳақини оширишни талаб қилмоқдалар. Цейлондаги барча давлат даволаш муассасаларидаги лаборантларнинг забастовкаси ҳам давом этмоқда.

Бу чиқишларнинг асосий сабаблари шуки, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси паст, меҳнат шароити оғир, шунингдек мамлакатда нарх-навo тўхтовсиз ошиб бормоқда.

(ТАСС).



Грохов — Тинц (Чехословакия) шаҳрида поляк ишчи ва инженерлари марказий Европадаги энг йирик қанд заводларидан бирини қуришди. Янги корхона бир суткада 400 минг тонна қанд лавлагини қайта ишлайди. Яқин йилларда ЧССРда яна бешта шундай корхона Польша Халқ Республикасининг қардошларча ёрдами туфайли қад кўтаради.

СУРАТДА: пульт бошқармасида. Корхонанинг кўпгина иш процесслари автоматлаштирилган.

ЧТК — ТАСС фотоси

АФҒОНИСТОННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ҚОБУЛ. Парламентнинг қўйи палатаси Афғонистон ҳукуматининг янги составини тасдиқлади.

Нур Аҳмад Этгимоди Бош министр ва ташқи ишлар министри, Армия генерали Хон Муҳаммад миллий мудофаа министри. Муҳаммад Башрулдин ички ишлар министри, Муҳаммад Амон молия министри қилиб тайинланди.

(ТАСС).

Миллий афсона

«Оттава ситизен» газетасидан (Канада)

«Аёллар учун эркаклар билан баравар ҳақ тўлаш-бизнинг миллий афсонамиз» — яқинда «Оттава ситизен» газетасида босилган мақолага ана шундай сарлавҳа қўйилган.

«Бизда баъзи бировлар деб ёзади мақола автори Жан Шарп, баравар меҳнати учун аёллар эркаклар билан баравар ҳақ олиши керак деб ўйлайдилар, чунки қонун буйича шундай бўлиши керак. Афсуски, ҳаётда мутлақо ундай эмас.

Канаданинг ҳар бир вилоятининг ишга ёллаш масалаларида инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ўз қонуни бор. Ҳар бир вилоятда баравар меҳнат учун баравар ҳақ тўланишини қонун гарантиялаши керак. Аслида эса Нью-Фаундленд, Янги Шотландия ва Шаҳзода Эдуард ороли вилоятларида эркаклар учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори аёлларга нисбатан белгиланганидан анча юқори туради. Баравар меҳнат учун баравар ҳақ тўлаш қонун билан расмийлаштирилган жойларда ҳам бу қонун камдан-кам жорий этилади. Агар аёл киши ўзига кам ҳақ тўлаётганларини билса, бу ҳақда тегишли ташкилотларга шикоят қилиши керак.

«Кўпгина канадалик аёллар иш жойидан ҳайдалишдан қўрқиб, шикоят қилмайдилар»,— деди Саскачевандаги меҳнат департаментининг хизматчиси Мэри Рокен журналистга.

Онтарио вилоятида яшайдиган Беккетт хоним билан бўлган воқеа бизга яхши маълум. Бу аёл 1949 йилдан полицияда ишлоган. 1961 йилда унга полиция формасини кийиб юришни тақиқлаганлар ва унинг меҳнатига эркаклар меҳнати билан баравар маош тўлашдан бош тортиб, машинисткаликка ўтказиб қўйганлар. Беккетт хоним ҳақиқат қидириб икки йил овора бўлди. Адвокатлар коллегияси унга форма кийиб юриш ҳуқуқини қайтарди ва унинг меҳнатига эркаклар билан баравар ҳақ тўлаш ҳақида қарор чиқарди. Лекин 2 ёки 3-класс полициячи билан баравар ҳақ тўлаш кўрсатиб ўтилди. Эркак кишилар эса икки йил хизмат қилганларидан сўнг 1-класс полициячиликка ўтказилади. Беккетт хоним яқинда судга яна ариза берди, лекин унинг шикояти рад этилди.

«Мен баравар иши учун аёлларга эркакларга нисбатан кам ҳақ тўланадиган кўпгина фабрикаларда ва магазинларда бўлдим, — деб гувоҳлик беради Гамильтон шаҳрининг меҳнатга жойлаштириш бўйича инспектори Гарри Франк.— Масалан, Альберта шаҳрида эркак ошпаз ойига ўртача 378 доллар олади, ошпаз аёл эса 289 доллар олади. Эркак лаборантлар ойига 433 доллар, аёл лаборантлар 290 доллар олади.

Федерал аёллар бюросининг директори Сильва Гельбер бундай деди,

— Биз аёлларнинг камситилишини тақиқлаб қўядиган қонун қабул қилинишн учун курашмоқдамиз. Чунки корхона эгалари биз аёлларга ихтиёрий равишда бундай «имтиёз» беришларига умид қилмаймиз.

Маълумки, Канада ишга ёллаш ва ҳақ тўлашда ҳар қандай камситишларни тақиқлайдиган меҳнат бўйича халқаро конвенцияни ратификация қилган. Лекин Канаданинг «ишга ёллаш ҳақида акт» деб аталган миллий қонуни текстида аёлларнинг тенг ҳуқуқи тўғрисида бир оғиз ҳам сўз йўқ.

Қўш дипломли ишсиз

«Франс - суар» газетасидан (Франция)

Бу воқеа Париждаги «Бон марше» универмагида аёллар киймини арзон баҳога сотиш куни юз берди.

«Назоратчининг оғир қўли пакетни қўлтиқлаб чиқиб кетаётган аёлнинг елкасидан маҳкам ушлади. Бу аёл ўзини ҳимоя қилишга, магазиндан кўйлакни нега ўғирлаганлигини тушунтиришга ҳам уринмади. Қўлга тушган аёл гувоҳномасини кўрсатди. Гувоҳномада «Аделина В. 55 яшар. Ўқитувчи. Икки дипломи бор. Ҳозирги вақтда ишсиз» деб ёзилган эди. Тергов вақтида бу аёлни ғоят қашшоқлик ўғирлик қилишга мажбур этганлиги аниқланди.

Аделина В. кўп йиллар мукаддам эридан жудо бўлган ва ўғлини ёлғиз ўзи тарбиялаган. Ўғли консерваторияни битириб, органчи машоқ бўлган. Штат қисқариши билан Аделинани ишдан бўшатганлар. Тез орада ўғли ҳам ишдан маҳрум бўлган. Хўжайин уларни ижарага турган уйларидан қувиб чиқарган.

— Кундузлари, —деб ҳикоя қилади Аделина В, — тунашга ҳақ тўлаш учун иш қидираман. Бунинг устига ҳеч ким менга атиги бир ойга ҳам қарз бермайди. Баъзан танишларим қаерда вақтинчалик иш борлигини хабар қилишади. Лекин тунн билан ухлай олмай, чарчаб қолганимдан, афтимни кўрибоқ рад қилишади. Ўқув юртларида дипломларимни кўриб менга шундай дейишар эди:

«Кексайиб қолибсиз, ҳозирги замон мактабларида ўқитувчилик қилаолмайсиз»

Бирорта ишга тарбиячи бўлиб жойлашишга уринib кўрдим, лекин афти-анғорим ҳеч кимга ёқмади. Ҳамма жойда сизни ишга олмай қайтараверишса, ўзингизга ишончни йўқотиб, курашдан воз кечар экансиз.

«Иш қидираман. Қуйидагилар қўлимдан келади...» деб газетага эълон бериш мумкин эди. Аммо бундай эълон бериш учун менинг доимий адресим йўқ. Ўғлим билан рўпара келган жойда, Парижнинг турли жойларида тунаймиз. Аста-секин кийимларимиздан ҳам маҳрум бўлдик. Чунки кийимларни тунаган жойимизда гаровга қолдирдик. Тунлари совуқдан қалтираб чиқамиз... Ниҳоят ноилож шу ишга қўл урдим. «Бон марше» магазинида кийимлар арзон нархда сотилаётган эди. Нархи туширилган баъзи кийимларни ўғирласам магазинга катта зиён бўлмайди деб ўйлаган эдим.

— Ҳайҳот, қобилиятсиз ўғри чиқиб қолдим, — деди Аделина В, фожиали ҳикоясини тугатар экан.

(АПН).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ИШЧИЛАР ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛМОҚДА

ПРАГА. Совет Армияси Чехословакияни озод қилганига яқинда 25 йил тўлади. Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг чақирғига биноан Чехословакияда меҳнат ташаббусини авж олдириш ҳаракати борган сари кенгайиб бормоқда.

Ўтган ойда Шимолий Чехия кўнгир кўмир ҳавзасининг кончилари бир ойда кўмир қазиб чиқаришда янги рекорд қўйдилар. Чехословакия — Совет дўстлиги ойлиги муносабати билан бу ҳавзада ноябрь ойи энг кўп кўмир қазиб чиқариш ойи деб эълон қилинган эди. Шимолий Чехия кончилари 30 кун мобайнида қариб 4 миллион 680 тонна кўмир қазиб чиқардилар. Улар план топширигидан 200 минг тоннадан зиёдроқ кўмир қазишга муваффақ бўлдилар.

Мамлакатнинг қадимий саноат маркази — Кладно кўмир конларининг кончилари бу йил пландан ташқари 146 минг тоннага яқин кўмир қазишга муваффақ бўлдилар.

«Шкода» машинасозлик комбинатидаги В. И. Ленин номли электровоз заводи коллективи ўз зиммасига олган мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқда. Бу ерда икки ой мобайнида пландан ташқари 10 та электровоз чиқарилди.

МИЛЛИОН ТОННА ҚАНД

ВАРШАВА. Польша қанд саноатининг ходимлари муҳим маррани эгалладилар — йилига миллион тонна қанд ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Польшадаги кўпгина қанд заводлари жаҳондаги энг қадимий заводлардан бўлиб, юз йилдан ҳам ортиқ вақтдан буён ишлаб келмоқда. Бу заводларнинг кўпчилиги Европада шу тармоқдаги илғор корхоналарнинг даражасидан қолишмайди. Кўҳна кустарлик қанд заводлари халқ хокимиятининг 25 йили мобайнида мукаммал ускуна ва аппарат билан қуролланган корхонага айланди.

ЯНГИ МИС КОНИ

БЕЛГРАД. Шарқи-жанубий Сербияда, Крисель қишлоғи яқинида янги мис кони топилди. Тахминий ҳисобларга қараганда бу кон запаслари жиҳатидан Югославиядаги ранглн металлургиянинг йирик марказлари бўлган Бор ва Майданпек конларига қарийб тенг келади.

(ТАСС).



●САНЪАТ ОШИҒИ

ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД

Шанба оқшоми. Ишчилар, инженер-техник ходимлар оила аъзолари, ёру-дўстлари билан ўзларининг севимли даргоҳи — маданият уйи томон келмоқдалар.

Завод бадиий ҳаваскорлар тўгарагининг коллективи уюштирган катта концерт программаси уларни бу ерга чорлаган. Программага миллий, қардош ҳамда чет эллик дўстларимизнинг ашула ва рақслари киритилган.

Маданият уйининг зали томошабинлар билан лиқ тўлган. Концерт бошланиши билан ёқимли музика садолари зал бўйлаб тарала бошлади. Конферансье: «Ҳозир Раънохон Абдуллаева ижросида...» дейиши билан бутун зални гулдурос қарсаклар босди. Парда кўтарилиши билан зал жимжит бўлиб қолди, саҳнада қўлда сози билан хушовоз хонанда Раънохон пайдо бўлганди.

Бутун вужуди билан қўшиқ айтаётган Раънохон ашулани тугатиши билан томошабинлар уни қайта-қайта саҳнага таклиф қилар, яна бошқа қўшиқ эшитишни исташарди.

Ишчиларнинг, ўз ҳамкасбларининг истаги бўйича зал бўйлаб яна унинг овози янгради.

Ҳақиқатан ҳам Раънохон завод ишчиларининг севимли санъаткори бўлиб қолган. У саҳнада гоҳ қўшиқ айтса, гоҳ рақс тушади.

Раънохон 1964 йили заводнинг 11-цехига ишга кирганди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, интизомлилиги туфайли тез орада мустақил ишлашга ўтади. Сменада 700-800 ўринга 900-1000 тадан деталь тайёрлаб, ишда ҳам бошқаларга намуна бўла бошлади. Илғорлиги туфайли тез орада коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли ном эгаси бўлди.

Мустақил ишга ўтган кезлари кечқурунлари завод маданият уйи қошида очилган бадиий ҳаваскорлик тўгарагига мунтазам равишда қатнай бошлади. Санъатга бўлган қизиқиш Раънохонни тез орада халқ театрининг севимли қатнашчиси ва ижрочиси сифатида танитди.

Ҳозир Раънохон ишлаш билан бир вақтда Тошкент Давлат педагогика институтининг музикашунослик факультетида ўқишни давом эттирмоқда. Ўқиш ва санъатга қизиқиш унинг пахтакорларимизга кўплаб пахта териш машиналари етказиб беришдек олийжаноб ишида ҳеч ҳалал бермаяпти. Аксинча у завқ-шавқ билан меҳнат қилиб сменада 800 ўринга 1200 тага етказиб деталь ишлаб чиқармоқда.

Шу кунларда Р. Абдуллаева 1970 йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

А. АШУРОВ,
«Ташсельмаш» заводи ишчиси.

●АДОЛАТ, НАЗОКАТ, САДОҚАТ

ТАРИХДАГИ ОНАЛАР

МАРДОНА

Инсоният тарихи унутмайдиган ажойиб оналардан бири Зарринтождир. Ўзига хос адабий услуб эгаси бўлиши билан Эрон адабиётининг атоқли намояндаси эди. Қазвинлик бу навқирон турк қизи Эронда ёшлигидан Бобий мазҳабининг ҳароратли тарафдори бўлиб саҳнага чиқади: тез кунда ўзига жуда кўп фидокор тарафдорлар етиштиради. Мухлислари уни Тоҳира (яъни покдомон) деб атасалар, халқ Қурратул айн (кўз қорачиғи) деб эъзозлайди. Тоҳира ўз ғоясини тарғиб қилганда жазо этиш қобилияти ва мантиқ қудрати билан душманларини ҳам дўстга айлантириб юбора оларди. Тоҳиранинг таъсири Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва Мозандаронда ғоят кучайиб кетади; илғор олимлар ва халқ оммаси унинг фикрини қувватлай бошлайди.

Реакционерлар уни жувонмарг қилишга бел боғлайдилар. Тоҳиранинг кўчама-кўча паранжисиз юриб, халққа сўзлаган нутқида: «Топган молларингизни ўз ўрталарингизда қардошларча тақсим қилингиз» деган фикри бойларни, ҳокимиятни чўчитиб юборади. Ни ҳоят, руҳонийлар Тоҳирани тошбўрон қилиб ўлдиришга фатво бердилар. Бечора уч йил Озарбайжон зиндонида ётганидан кейин уни Теҳронга олиб келдилар-да, тириклайин оловга ташлаб куйдирдилар ва кулини кўкка совурдилар

Жасур қиз одамларнинг селдек оққан кўз ёшларига ҳам парво қилмай:

«Мен демайманки, самандар ё
парвона бўл,
Ёниш мақсадига тушгач, сен
мардона бўл!»

деб ақлларни ҳайратда қолдирарли даражада сукунат ва табассум билан олов ичига кириб кетди.

ТУРКОН ШАРТИ

Маликшоҳ давлатини идора қилган унинг энг ақлли вазири донгдор Низомул-Мулкнинг давлат ишларини олиб борган хотини Туркон эди. Маликшоҳ Аббосий халифаларидан Муқтадий биллоҳга қизини берганида, Турконхоним куёви халифага бу шартларни қўйган: хотинини иззат қилиш, хотини устига иккинчи хотин олмаслик, саройда чиройли чўри сақламаслик, ўз хонасидан бошқа ерда тунамаслик. Бу шарт ила Турконхоним халифанинг хотинлар устидан хўжайинлигини бир қадар чегаралаб, аёллар ҳуқуқини катта жасорат билан мудофаа қилган.

Лазиз АЗИЗЗОДА.



Тошкент гуллари Сибирь ва Урал шаҳарларига жўнатиляпти. Бу соҳада манзарали дарахтлар совхозининг 4-бўлим коллективи яхши меҳнат қилмоқда. Улар бу йил ярим миллион дона турли хил гулларни етиштиришди.

СУРАТДА: совхоз ишчиларидан Р. Қаюмова ва Е. Минасова гулларни жўнатиш учун тайёрлашяпти.

Й. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ҚИЁМИГА ЕТГАН ГАПЛАР

Инсон ўз ақли билан яшаши лозим.

* * *

Эзгулик деб урган қалб қаримайди.

* * *

Бахт оғуши ҳамиша мардларга очиқ.

* * *

Муваффақиятсизлик тадбиркорлик билан иш кўришга ўргатади.

* * *

Муҳаббат билан дўстлик бамисоли ака-ука.

* * *

Бошинг кетганда ҳам содиқлигинг кетмасин.

* * *

Сабр-қаноат қувонч манбаидир.

* * *

Бахт ҳамиша машаққат ортида ётади.

* * *

Қалбдан чиққан қўшиқ қалбга етиб боради.

* * *

Оғзи билан ўроқ ўрган
Оёғи билан машоқ теради.

* * *

Дил топганини кўз тополмайди.

* * *

Гулни севган унинг заҳрини ҳам севади.

* * *

Бахтни баҳолаб бўлмайди.

Г. ГЕРИН.

Оила бюджети

(ГРАЖДАНИН КРАВЦОВНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ)

... Нима десангиз денг, ҳаёт кечириш оғир бўлиб қолди ... Ўзингиз ўйланг, мен 140 сўм оламан, хотиним 100 сўм олади. Ҳаммаси 240 бўлдими? Бу пулга 80 та ярим литрлик келади. Яшаш мумкин-а?

Энди бу ёғини ҳисобланг. Квартира ҳақини тўлаш керакми? Керак! Учта ярим литрлик кетди. Электр ҳақига икки ярим литрлик, телефонга битта.

Кўрдингизми турмуш кечириш учун атиги 74 шиша қолади.

Бу ёғини тингланг энди. Менга трамвай билет, хотинимга трамвай билет — яна иккита яримталик. Қизим саккизинчи синфда ўқийди, аълочи, пианино чалади. Унинг майда ҳаражатларига пул керакми? Буфетга киради, мороженое олади — хуллас боланинг овқатига бешта яримталик кетади.

Энди — маданий хордиқ чиқариш. Оиланг билан кинога борасанг, чоракта кетади. Кейин хотининг ойда бир марта бўлса ҳам театрга борамиз, дейди. Театр ўзи қиммат нарса! Премьерага борсанг, жойинг балконда бўлса ҳам, яримталик томоша кўрасан, буниси аниқ гап.

Бошқа нарсалар ҳақида гапираётганим йўқ. Хотинимга туфли — бешта яримталик, ўзимга гулдор шарф — бешта яримталик.

Умуман ундай қилиб ҳисобласанг ҳам, бундай қилиб ҳисобласанг ҳам ҳаёт кечириш учун 30 та ярим литрликдан ортиқ қолмайди. Аниқроғи кунига бир бутилкадан. Менинг оилам бор, уч кишимиз! Уч кишига бир бутилка нима бўлади!

Мана, энди яшаб кўр-чи!

Фақат бўш шиша жонимга оро киради. Худо ҳақи! Ўтган ойда шиша сотиб телевизор олдик. Ҳозир сервантга шиша йиғяпман...

Ароқни сутга ўхшаб қоғоз пакетда чиқаришармиш деб эшитиб қолдим. Болалар айтишди. Бу нимаси ахир? Бюджетга катта зарар бўлади-ку. Шундай бўлса, турмуш кечириш нима бўлади.

В. ИУЛДОШЕВ таржимаси.

ТОВУШ ВА ҲОСИЛ

Товушнинг таъсири натижасида ўсимлик уруғининг униб чиқиши ва ривожланиши ҳақида Канадада Оттава университетининг ўқитувчиси доктор П. Вейнберг кузатув олиб бормоқда. У бугдой уруғини бир-биридан ажратилган учта алоҳида бўлинмага экиб, биринчисига 5000 герц, иккинчисига 12000 герц товуш таъсир эттириб, учинчисига эса ҳеч қандай товуш таъсир эттирмаган.

Маълум бўлишича, 5000 герц товуш таъсир этган бугдойлар товуш таъсир этмаган бугдойларга нисбатан 3-4 ҳисса ортиқ кўк поя чиқарган ва тез ўсган. 12000 герц товуш таъсир этган бўлинмада эса учинчисига нисбатан 1,5-2 ҳисса ортиқ кўк поя чиқарган.

●Шунақаси ҳам бўлади

БУҒ МАШИНАСИДА САЁҲАТ



23 ёшли инглиз инженери Майкл Лист Брейн ўзи «Британия» деб атаган автомобилда дунё саёҳатига чиқиш ниятида. У буғ билан ишлайдиган машинада 720 кун давомида Ер юзини айланиб чиқмоқчи бўляпти. У Оксфорд-ширдаги бир фермининг товуқхонасидан топиб олган бу машина 1926 йилда чиқарилган «Фоден» маркали локомотив бўлиб, инженер унн тузатиб олди.

«Британия»нинг ҳар юз километр масофани босиб ўтиши учун 200 килограмм кўмир ва бир тонна сув керак бўлади. Шунда у соатига 20 километр йўл босади. Туркия, Эрон ва Австралияда сув топишда қийналсам керак, дейди Майклнинг ўзи. Лекин у омадга ишонади. Бутун йўл давомида у кундалик дафтар тутиб, киносъёмка қилиб, фильм яратмоқчи.

Лёнин орденли Татаристон мўйна саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси хотин-қизлар ва болалар пальтоси, спорт куртkалари, бош кийимлари, ёқалар, қутбда ишловчилар учун кийим-кечаклар тайёрлайди. Қозон мўйначилари СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС кўчма Қизил байроғини ўн олтинчи марта олишмоқда.

СУРАТЛАРДА (юқорида): мавсумий янги моделлардан бири — қўй мўйнасидан тикилган манто. У Қозон мўйначилари томонидан ишлаб чиқилган; (пастда) янги мавсумий моделлардан бири— нерпа терисидан тикилган хотин-қизлар мўйна пальтоси. У натта конструктор С. Курюкина (чапда) томонидан ишлаб чиқилган.

Б. Мясников фотоси.

(ТАСС).


Шер билан Кирпитикон

МАСАЛ

Жондорлар Шербекка кўпдан таъзимда,
Пайғамбарига нақ таъзимда уммат!
Ахир, билинг-да, Шер зўр-да, азим-да;
Мўрт юраклар бўлгай кўрганда сурат.
Аммо Кирпитикон дарвеш мисоли
Шер тугил, Филга ҳам этмас эътиқод.
Доим илон тутмоқ бўлиб хаёли
Учарди хаёлан чиқариб қанот.
Шерга бу, ким билсин, қилганми алам,
Асабига игна санчилди пўрт-пўрт.
Урмон жондорлари бўлганида жам
Қақшай кетди сочиб кўзларидан ўт:
«Ҳайронман Кирпига, ҳайронман жуда
Урмон чаманларн кўринмаса хуш!
Ҳайронман Кирпига, ҳайронман жуда
Узгалар шодону, бу эса хомуш!
Қаранг, Айиқ полвон ғор-ғор бол,
Тахлнкадан йироқ юрар семириб.
Қаранг, Тулки махсум қаддни қилиб дол,
Жамики жонворни ғор ийдкриб.
Қаранг Олмахонга, сакраб шохма-шох,
Мевалар шаънига тўқийдн эртак.
Қаранг ҳақкаларга, неданки оғоқ —
Қулоғим тагида чалишур чапак.
Қаранг саъвалара гуллаб ҳаёти
Ҳаёт наъмидасин куйлашур тинмай.
Хуллас, парранда-ю дарранда зоти
Яшай олмас бунда кулмай, севинмай!!
Кирпи-чи, севиниш ўрнига фақат
Аччиқланади... Гоҳ ўтача нордон!
Жондорлардек яшаш ўрнига ҳар вақт
Илон овлаш билан сарсон-саргардон!!» —
«Агар илонларга солмасам қирон
Бу ерлар дил тортар бўлолармидн!» —
Дея Шерга бокди тик Кирпитикон. —
Урмонга жон зоти йўлолармидн!!
Ҳаттоки сизни ҳам қиларди ғалвир —
Упкага ёпишган зулуклар мисол.
Газандага шафқат керакми, ахир,
Ахир газанданинг қилмиш завол!
Қани, айтинглар-чи, азизлар айтинг,
Ё сизга илонлар етказурми нафг!» —
«Йўқ, йўқ!!» —
«Балли!! Қайда йўлиқса, янчинг!!!» —
«Турққинаси қурсин, ўрмон унга хайф!!» —
«Ана кўрдингизми, тақсири ўрмон,
Илон қушандасни иши ҳам зўр иш!
Лозимми йўқ чўпдан қилгандек гумон
Кирпиларга ҳадеб қайрайверманг тиш!..»

Ямин ҚУРБОН.

РАССОМ ТАБАССУМИ



— Анаву амаким шунча қоғозни бекорга ёқиб юбордилар. Биз эса макулатура тополмай юрамиз...

ИНСТРУКТОР:


— Бизнинг соҳада бахтсиз ҳодисалар тахминан мингдан бирига тўғри келади. Сизлар қўрқмасангиз ҳам бўлади, атиги 15 кишисиз.



Сўзсиз сурат.



Сўзсиз сурат.



КАБОБХЎРЛИКМИ ЁКИ...

Бир куни Замоний дўсти билан ошхонага кирди:

— Нима овқат еймиз, — деб сўради дўсти.

— Котлет ея қолайлик, — деди Замоний.

— Э, қўйсангчи, нима, нонни нон билан емоқчимисан?! Яхшиси, ташқарида қийма кабоб бор экан, ўшандан ола қолайлик.

— Унда ҳам, барибир пиёзни пиёз билан ейишга тўғри келади-да?! — деди ютуниб Замоний.

* * *

АНТИҚА ЁЗУВЛАР

Замоний автобус ойнасидан атрофни томоша қилиб борарди. Автобус Усмон Юсупов номли кўчадан ўтаётганида бир ойнаванд бино тепасига «Полёт» кафеси» деб ёзилган чиройли ёниб турган лавҳага кўзи тушиб қолди. «Чиройлилигн яхшику-я, лекин «Первоз» деган сўз бор эди шекилли» деб ўйлади, кейин автобус яна бир гўзал электр лавҳали кўркам бино ёнида тўхтади. Муҳташам бино тепасига «Театр Ҳамза Театр» деб ёзилган эди. Бу ёзувдан мантиқ қидириб бошн қотган Замоний «Нима бало булар ҳам тежаш йўлига ўтганми, кейинги «театр» сўзига битта «и»ни аямасдан «театри» деб ёзишса бўлмас эканми!» деб ўйларди.

Суннатилла САЙДАЛИЕВ.

●Табиат оламида

БЕДАНА ҚАЕРДА ҚИШЛАЙДИ?

Қ УНЛАРДАН бирида беда на ишқибозларининг давраснга тушиб қолдик. Улар бир-бирига сўз бермай, бедананинг турли хусусиятлари ҳақида гапиришарди. Биров ўз беданасининг сайрашибит-билдиқ отиши тўғрисида гапирса, биров қўшнисининг сайратмасини мақтайди.

— Қалдирғочлар иссиқ мамлакатларда қишлайди, қарға қишда келади, чуғурчуқлар эрта баҳордан ёзгача бўлади. Беданя қаерда қишлайди? — деди шунда кутилмаганда биров.

Ҳа, дарвоқе беданя қаерда қишлайди? Бу савол табиат муҳлисларини қизиқтирса керак...


Бедана — нозик парранда лардан бири. Унинг гўштидан Ҳиндистон, Хитой ва Осиё мамлакатларида таниқ таомлар тайёрланади. Кейинги йилларда медицина ходимлари ҳам пархез сифатида бедана тухумидан фойдаланишни маслаҳат бермоқдалар. Қримда йирик беданачилик фермаси ташкил қилинди. Тошкент областининг «Политотдел» колхозида ташкил қилинган бедана фермасининг маҳсулотидан ҳам кишилар баҳраманд бўлмоқда. Уй шароитида беданалар қишин-ёзин бола очиб кўлайтмоқда. Хўш, ёввойи ҳолда яшайдиган беданалар қаерда қишлайди?

Бедана эрта баҳорда республикамиз далаларида пайдо бўлади. Унгача иссиқ мамлакатларда, жумладан Ҳиндистон ярим ороли, жанубий Афгонистон ва Эроннинг иссиқ бурчакларида, Қрим ярим оролида қишлайди. Кеч кузгача далаларда чигиртка, қуртқумирска ва ёввойи ўсимликларнинг дони билан тирикчилик қилади, бола очади. Ноябрь ойининг бошларида эса яна иссиқ мамлакатларга йўл олади. Совуқ тез тушганда эса кўпгина беданалар бедазор ва пахтазорлар ичида ҳалок бўлади.

Ҳ. ҲАКИМОВ.

●Бўш вақтларда

КРОССВОРД



Тузувчи Илҳом ШОИНОГОМОВ.

ЭНИГА

1. Музика асбоби. 3. Оғирлик ўлчови. 7. Адабий асар. 8. Шотландиядаги порт шаҳри. 9. Франциядаги дарё. 12. ГДРдаги порт шаҳри. 14. Улуғ рус химик олими. 16. Маржондек тизилиб учадиган қуш. 17. В. Шекспир трагедиясидаги персонаж. 18. Кимёвий элемент. 21. Қозогистондаги тузли кўл. 22. Уста сўзининг синоними. 26 Финляндиянинг шарқий-шимолидаги кўл. 27. Ёнилғи тури. 28. XIX аср венгер композитори. 31. Геометрия термини. 32. Ёнилғи тури. 34. Вақт ўлчагич. 36. Совет космонавтларидан бири. 37. Овқатланиш асбобларидан бири. 38. Англиядаги порт шаҳри. 39. По дарёсининг ирмоғи.

БЎЙИГА

1. Муқимий ғазалларидан бири. 2. Дурадгорлик асбоби. 3. Ўрта ер денгизидаги орол. 4. Германиядаги дарё. 5. Финляндиянинг жанубидаги кўл. 6. Шаҳар транспорти. 10 Қорақалпоғистон АССРдаги шаҳар. 11. СССРдаги кўллардан бири. 13. Эгей денгизидаги орол. 14. Қаҳрамон шаҳар. 15. Совет ёзувчиси. 19. Сон. 20. Дуккакли ўсимлик. 23. Киши исми. 24. Тиррен денгизидаги орол. 25. Ер ости йўли. 29. Совет ёзувчиси. 30. Мих суғириш асбоби. 32. ВЦСПС органи 33. Кимёвий элемент. 34. Югославиядаги дарё. 35. СССРдаги шаҳар.

ПАСПОРТ ВА ПРОПИСКА

Аҳолини аниқ рўйхатга олиш коммунистик жамият қурилишида жуда катта аҳамиятга эгадир. Саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларда совет кишиларини аниқ рўйхатга олиш, уларни озиқ-овқат билан саноат моллари билан, етарлича таъминлаш демакдир. Шунинг учун, Совет Иттифоқида паспорт режимини қайд қилиш, гражданларга ёши тўлганда паспорт бериш — аҳолини аниқ рўйхатга олишда катта аҳамиятга эга бўлган омиллардан биридир. Совет гражданларини прописка қилиш ва учётдан чиқариш қоллари ҳам ана шу паспорт режимининг аниқ олиб борилишини таъминлайди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати паспорт режимига, унинг аниқ қайд қилинишига катта аҳамият беради. Шунинг учун бир неча марта паспорт режимига доир қарорлар қабул қилинди. Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларни бажариш, шаҳарларда, жумладан Тошкентда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети шаҳримизда ер қимирлашидан кейин паспорт режими масаласига катта эътибор берди. Чунки зилзиладан кейин жонажон шаҳримизни қайта қуриш учун қардош республикалардан кўплаб қурувчилар, ишчи ва хизматчилар келишди. Уларни прописка қилиш, шаҳардан кетганларни эса пропискадан ўчириш ҳолатлари аниқ олиб борилиши керак. Бу муҳим вазифа ўз вақтида амалга оширилиб борилди. Бироқ, баъзи ҳолларда гражданларнинг пропискага қайд қилмаслик ҳоллари ҳам содир бўлди.

Бу қарорда Тошкент шаҳрига прописка қилиш ҳолатларини янада мустаҳкамлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шаҳар ижроия комитети ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги шу қарорга асосланиб «Тошкент шаҳрида гражданларни прописка қилиш ва қайта прописка қилиш қоидаси»ни тасдиқлади. Бу қоидага биноан шаҳарни қайта тиклаш учун таклиф қилинган. Баъзи юқори малакали гражданлар 9 квадрат метр жой билан таъминланган тақдирда шаҳар ижрокоми рухсати билан прописка қилинади.

1966 йил зилзиладан кейин шаҳар территориясида яшовчи гражданлар район ички ишлар бўлимларида қайд қилинди. Чунки шу йили шаҳар территориясига унинг атрофидаги кўпгина жойлар қўшиб олинди. Натижада ўша жойлардаги гражданларни шаҳар ихтиёрига ўтказиш учун уз вақтида прописка қилинди.

1970 йил 1 январдан бошлаб Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади. Бунда эса шаҳар гражданларининг ўз вақтида прописка қилинишлари катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун шаҳарда яшаб, ишлаётган кишилар ҳамда пенсионерлар уз она аъзолари билан 1970 йил 1 январгача прописка қилдиришлари лозим. Уз ҳолларича участка қурган оилалар эса келгуси йил январгача ўз районлари территориясига қараб, район ички ишлар бўлимида прописка ёки қайта прописка қилинишлари лозим. Уларнинг прописка қилинишлари учун паспорт бўлими ёки паспорт столи район ижроия комитети инвентаризация техника бюроси акти ёки маҳалла комиссияси актига биноан қайд қилинади. Ана шу янги участкаларда вақтинча яшаётган квартирантлар прописка ва қайта прописка қилинмайди.

Кундузги бўлимларда ўқиётган студентлар ва ўқувчилар район ички ишлар бўлимида қайд қилинади. Студент ва ўқувчилар райой ички ишлар бўлимига зачёт дафтарчаси ва олий ўқув юртида ўқиётганлиги тўғрисида справка олиб келганидан кейингина прописка қилинади.

Шаҳримизга таклиф билан ишга келган ёш мутахассислар ўз ҳужжатларини район ички ишлари бўлимига тақдим қилганидан кейин прописка қилинади. Агар ишга таклиф қилинган мутахассис бир кишидан бўлса ётоқхонага прописка қилинади.

Паспорт прописаси қақидаги қарорда корхоналар, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг Тошкент шаҳрига фақат прописка бўлган граждапларнигина ишга қабул қилиш кераклиги уқтирилади. Муассасалар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари Тошкент шаҳрида прописка бўлмаган гражданларни ишга қабул қилсалар жиноий жавобгарликка тортилади. Улар бир йилга ахлоқ тузатишга ёки 50 сўм штраф тўлашга мажбур қилинади. Бу тадбир шаҳарда яшовчи пропискасиз гражданларга ҳам тегишлидир. Шаҳарда пропискасиз яшаётган гражданлар маъмурият талабига биноан милиция бўлими бошлиғи томонидан 10 сўм штраф солинади. Агар белгиланган муддатда ўша граждан пропискадан ўтмаса жиноий жавобгарликка тортилади.

Хар бир ҳамшаҳаримиз паспорт режими қоидаларига қатъий амал қилиб ўз вақтида прописка қилишни унутмасликлари керак. Бу эса уларнинг келгуси йил Бутуниттифоқ аҳолни рўйхатини олишда катта ёрдами бўлади.

З. ИМОМОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи.



М. Горький номидаги рус Академик Давлат театри Ж. Ануйнинг «Юксиз саёҳатчи» номли пьесасини саҳналаштирди. Бу трагик пьеса нелажаги ҳақида тамоман ўйламайдиган, мақсадсиз, ҳар нарсага лоқайдлик билан қаровчи авнчли инсон тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТДА: (чапдан-ўнга) Дюпон-Дюфор — СССР халқ артистқаси Г. Загурская, Гостон — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Л. Колёсников.

Л. Глауберзон фотоси.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

О Н А

— Ҳарбийдан қайтяпсизми, болам?

— Ҳа, онажон!

— Қийналмадингизми, ўргилай?

— Йўқ, нега энди!

— Болам уст-бошларингниям ўзингиз ювасизларми?

— Ҳа!

— Болам шўрлик... Ота-онангиз борми?

— Ҳа, борлар!

— Бечораларнинг кўзлари тўрт бўлиб ўтиришгандир. Роса соғинишгандир-а!

— Э, қизиқсиз-да, Жаннат хола, икки йил бўлади-ю, соғинишмайдимиш! — Қўшимча қилди автобусдаги йўловчи ёшлардан бири.

— Шуни айтаманда Ҳовахон! Анваржоним бир қадам ташқарига чиқса типирчилаб қолардим. Қачон икки йил ўтади-ю...

— Армиядами?

— Ҳа- айланай, кетганига бир неча ой бўлди. Болагинамни ҳеч нимага зор йўқ эди.

— Ўрганиб кетади, онажон!

—Илоё айтганингиз келсин. Уғлимга икки марта «посилка» жўнатдим. Уст-бошларингни юбор, ювиб жўнатаман десам, «рухсат йўқ» дейди, шунақами болам?!

— Ҳа!

— Болам тушмагур тез-тез босинқирар эди. Мошкичирини жуда яхши кўрарди. У ёқдаям мошкичири қиб берадими?

— Ҳа!

— Э, болам, мияг қилса ҳам уйдагига ўхшамайди-да! Тўғримі? Анваржоним тушмагур ё тушакка кўнмайди, ё тўнга. Болам- тагларинг қалинми? Совуқ емайсизларми? У ёқларни совуқ дейишади.

— Йўқ, онажон, ҳамма нарса етарли!

— Ўзим қавиб, бир банорас тўн билан, чуст дўппи юборувдим. Шуларни кийиб фотографпийгни-. Кулманг Ҳовахон, тилим келишмаса нима қилай... фотографпингни юбор, бир кўрай десам ҳалиям юбормайди.

— Онажон, ҳарбий формадан бошқасига рухсат йўқ!

— Шунақа денг! Ҳаболам, сизлар қанақа чой ичасизлар?

— Ҳар хил.

— Анваржоним «сийлон» чойни суярди. «Посилка»га ўнта солиб юбордим. Чойнак юборганим билан бориб етмайди. Йўл-пўлда синиб нетиб қолади, дедим. Ўртоқларинг билан аччиқ-аччиқ қилиб ич дедим. Кеча денг пенсия пулимни берувди, униям юбордим. Шоҳи кўйлак олиб кийгин дедим. Мусофир юртда ўқсимасин деб-да! Ҳай, бир пастда етиб келдикми-а! Гап билан бўлиб-а! Эсон-омон бўлинг! Анваржонимга жуда ўхшаб кетаркансиз, пешонангиздан бир ўпиб қўяй! Ота-онангизга салом айтинг! Жаннат хола салом айтди денг! Анваржоним келса боринг-а, хўпми, ўргилай! Хайр.

Т Е М И Р Ч И

Сандондан ўт чақнайди. Олов тафтидан унинг юзларида тер пайдо бўлди. Болғанинг салмоқли зарбидан тўрт бурчак шакилдаги чўя яллпая бошлади.

Дук... дук..., дзин,,, дзин.

Ҳали ҳам ўша сандон, ҳеч ўзгармаган. Фақат бироз яссиланган холос. Еши темирчининг еши билан тенг. Ҳеч бир сандоннинг устида неча-неча олов турмади, неча-неча зарбалар тушмади, дейсиз? Уруш даврлари кўп ишлади. Ярим қуринишини йўқотди. Темирнинг умри ҳам чегараланган бўларкан. Энди эса кетмон қилиняпти.

Кетмон тайёр бўлди. Нуроний уни омбирда қисиб сувга солди. Ҳовур кўтарилди.

Тупроқ ҳиди келди...

С. РАЖАБОВ.

ХАНДАЛАР

МАҚТАНЧОҚ

— Кеча мен ўттиз метрлик зинадан йиқилиб тушдим!

— Ундай бўлса қандай қилиб тирик қолдинг?!

— Ахир мен зинанинг биринчи поғонасидан йиқилдим-да.

ҲОЗИРЖАВОБ СОТУВЧИ

Париждаги ноёб ва қадимий буюмлар билан савдо қиладиган дўконга америкалик турист кирибди-да, Людовик XVI нинг мармардан ишланган бюстини кўриб қолиб сотувчидан сўрабди:

— Бюст неча пул туради?

— Эллик минг франк.

— Жуда қиммат-ку. Ахир бюстнинг калласи синганлиги, нейин елимлаб ёпиштириб қўйилганлиги кўринибгурибди-ку.

— Хўш, нима қилибди? Наҳотки сиз Людовикнинг калласи кесилганлигини билмасангиз?

САЪВА

— Ким саъвамни ўзимга қайтарса мукофот бераман деган сизмисиз?

— Ҳа мен. Аммо бу олиб келганингиз саъва эмас, мушук-ку.

— Ахир саъва мана шу мушукнинг қорнида-да.

Редактор ўринбосари Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

Реклама ва эълонлар Т.О

Радио

6 Декабрь

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. **18,40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Рақсга мароҳамат. **20.00** «Ленинном» программаси (ўзбекча). **20,30** Куйлар. **21,00** «Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан» (ўзбекча). **21,10** «Оқ олтин» мамлакати қўшиқлари» деган музикали-адабий эшиттириш (ўзбекча). **22,20** «Шанба оқшомида» деган концерт. **23,10** Куйлар тинглаб дам оламиз.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). **19.30** Ойбекнинг «Болалик» повестидан инсценировка қилинган боб (русча). **20,00** Санъат усталарининг концерти (тожикча). **20,30** Озарбайжон куйлари. **20,50** «Китоб тоқчасида» (русча). **21,00** О. Лундстерм раҳбарлигидаги эстрада оркестри чалади. **21,40** Ёшлар ҳақида ҳикоялар (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 «Гулшан» радиожурнали.

7 Декабрь

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6,15 Тонгги концерт. **7,45** «Мактаб ва жамоатчилик» деган эшиттириш (ўзбекча). **8,25** Сиз ёқтирган артистлар концерти. **9,30** Шарқ куйлари. **10,10** «Табассум» радиожурнали. **11,35** Шаҳарлар ҳақида қўшиқлар. **12,15** «Эрталабки салом» (Москва). **13,30** «Хатларингизни ўқиб» деган концерт. **15,10** Эстрада концерти. **15,50** «Олмалиқ зарбдори» (ўзбекча). **17,40** Экран янгиликлари.

18,00 «Музикали глобус» (ўзбекча). **18,40** И. Бах. Иккита скрипка ва камер оркестр учун концерт. **19.20** Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти. **20,00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **21,00** «Мамлакатлар ва қитъалар» (ўзбекча). **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **22,20** «Табассум» радиожурнали. Тақрорий эшиттириш. **23.20** Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 И. Дунаевский асарларидан концерт. **9,15** Реклама ва эълонлар.

19,00 Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. **19.30** Озарбайжон эстрадаси артистларининг концерти. **20,00** «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). **21,00** Дам олиш концерти (тожикча). **21,30** «Ленинном» программаси (ўзбекча).

Чимкент область Туркистон шаҳридаги А. Навоий номли 388-ўрта мактаб томонидан **Бобожонова Тошбиби** номига берилган **КА 002771**-сонли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

3—5 разрядли электриклар, металлоконструкция слесарлари, токарлар, пайвандчилар, 3—5 разрядли монтажчи слесарлар

КЕРАК

Маош ишбай асосида тўлана.ди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 2-Сельмаш проезди, 27-уй (8, 2, 15, 48-автобусларнинг «2-Мелькомбинат», 13-трамвайнинг «Ташсельмаш» бекатлари).

Телевизор

6 Декабрь

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18,00 Телевизион янгиликлар (рус тилида). **18,10** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгаларига» тележурнали. **19,00** Телевизион янгиликлар. **19,15** Мақомлардан парчалар. **19,55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,00 Янгиликлар. **20,15** Халқаро программа. **20,55** Рангли телевидение программаси. Хоккей бўйича Москва халқаро турнири. СССР — ЧССР. Танаффус вақтида янгиликлар. **23,30** Огонёк. **00.30** Социализм дунёси. **01,00** Дам олиш программаси **02,00** Кўрсатувлар программаси ва янгиликлар. **02,20** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

18,15 «Калевала диёрида». Адабий-музикали композиция. **19,00** Қишлоқ янгиликлари.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20,00 «Буни ҳар ким билиши керак» (рус тилида).

Узбек тилида: 20,20 «Мўъжизалар маскани». Цирк программаси. **21,00** «Нептун, киришга ижозат этилгі». Телефильм. **21,20** «Турнахон». Бадиий фильм.

7 Декабрь

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9,55 Кўрсатувлар программаси. **10,00** Гимнастика ҳамма учун (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 10,20 Болалар учун. «Қор от». Телефильм. **10,30** «Звездочка». Тележурнал. **11,00** «Илья Муромец». Бадиий фильм.

Узбек тилида: 12,30 Болалар учун телевизион театр. Ҳ. Назир. «Дўстлар». **16,55** Кўрсатувлар программаси. **17,00** «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). **17,30** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Романтика» телетеатри.

18,30 «Экран ҳандаси». Дам олиш программаси (такрорий кўрсатиш). **19.10** «Ахборот» информацион программаси. **19,40** «Актёрлар ва ролларо». Республикада хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Ихтиёров.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,55 Рангли телевидение программаси. Хоккей бўйича Москва халқаро турнири. Канада — Швеция. Танаффус вақтида спорт ҳафтаси янгиликлари. **23,30** Киносаёҳатчилар клуби. **00,30** «Етти кун». Халқаро программа. **01,15** Москва курсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

10,00 Немис тилидан 11-машғулот. **10.30** Олий математика. 2-курс (ўзбек тилида). **11,25** Инглиз тилидан 11-машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12,00 Болаларнинг арталабки гимнастика машғулотлари. **12,15** Янгиликлар. **12,30** Ўқувчилар учун. «Будильник». **13.00** Музикали киоска. **13,30** «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. **14.00** Ўсмирлар учун «Изловчилар». **14,50** «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. **15,00** Ўқувчилар учун кўрсатув. **15,30** Н. К. Крупская номидаги пионерлар саройи болалар бадиий ҳаваскорларининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади. **16,00** Интервидение. Санъат оламида. **16.20** «Новости дня». Киножурнал. **16.30** Б. Шоу. «Пигмалион». Ленинград совети номидаги Ленинград Давлат театрининг спектакли.

19,30 Совет Армияси ва Флоти жанчилари учун. «Қаҳрамон заставаси». **20,00** Қишлоқ янгиликлари.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.55 «Виктор Чернишов ҳаётидан уч кун». Бадиий фильм.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 6|XII да **Севилья сартароши**, 7|XII да кундуз **Доктор Айболит**, кечқуруи **Шоир қалби**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6|XII да **Бой ила хизматчи**, 7|XII да **Улимдан кучли**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Йўлбарс ва сиртлонлар группаси билан Виктор Тихоновнинг хайрлашув гастроллари**. Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.

Кино

6 ДЕКАБРДА

Эски таниш — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12 ва 2 да).

Анжелика — фаришталар малинкаси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИҒИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 4да).

Чекист ҳақида ҳисса — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Кино кечаси — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6 ва 9 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
5, 6, 7 декабрда
Ургатилган йўлбарс ва сиртлонлар группаси билан
Бутуниттифоқ қўриғи лауреати
ВИКТОР ТИХОНОВ
ҲАМДА
ВИТАЛИЙ ТИХОНОВ
раҳбарлигидаги

«ҚУТОС, АНИҚ, ОВЧАРКА»

экзотик аттракционининг

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

5 ва 7 декабрда томошалар кундуз соат 12, 3, 5 ва кеч 8 да, 6 декабрда кундуз 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Ленин районининг маҳаллий советидан турар жой олиш учун навбат кутаётган гражданлар

20 ДЕКАБРГАЧА

қайта рўйхатга олинадилар.

Қайта рўйхатдан ўтиш учун учётда турганлиги ҳақидаги маълумот, яшаб турган уй майдони ва оила сони кўрсатилган справка топширилади.

Қайта рўйхатдан ўтмаган граждаплар ўз навбатларидан маҳрум бўладилар.

Ленин район ижроия комитети.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1969 йил 16 декабрь кундуз соат 12 да, Тошкент қишлоқ хўжалик институти ўсимликлар ҳимояси ва ипакчилик факультетининг илмий совет мажлисида (60-аудитория) биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. Н. Аҳмаджонова: «Гуруч узунбурунлари ва Ўзбекистон шароитида уларга қарши кураш чоралари» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент область, Оржоникидзе, 4).

1969 йил 19 декабрь кундуз соат 3 да, Тошкент халқ хўжалиги институтининг илмий совет мажлисида (Олмазор кўчаси, 183-уй) иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Маҳмуд Муҳамад Муҳамад Нур: «Бирлашган Араб республикаси кўриқ ерларини ўзлаштириш ва сув билан суғоришнинг планлаштириш проблемалари» деган темада;

Х. М. Содиқова: «Коммунистик қурилиш даврида умумий овқатланишни ривожлантиришда иқтисодий масалалар (Ўзбекистон ССР материалларида)» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

22 декабрь кундуз соат 2 да, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг бирлашган илмий совет мажлисида (генерал Петров кўчаси, 5Ј-уй, конференц-зал) медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Ш. А. Сандхонова: «Юрак касалликларида қон айланишининг бузилиши натижасида қонда шиш суюқликларидаги оқсил моддаси ҳамда қон ивиш хусусиятининг ўзгариши» деган темада;

С. Х. Вафоқулов: «Инфекцион гепатит билан касалланган кишилар организмидаги эркин аминокислоталарнинг даволаш методларига қараб ўзгариши» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

23 декабрь кундуз соат 12 да, Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрохимия ва тупроқшунослик факультетининг илмий совет мажлисида (60-аудитория) қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. А. Анорбоев: «Келес дарё водийсининг тупроқлари ва уларнинг агрономик характеристикаси» деган темада;

Р. Недиров: «Мурғоб оазисида ҳар хил турдаги азот ўғитларининг нисбатча толали пахта ўсишига рибожланишига ва ҳосилдорлигига таъсири» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент область, Оржоникидзе, 4).

А. НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА
И. ҲАМРОЕВ.

„ОЙЖАМОЛ“

ПРЕМЬЕРАСИ

(2 парда, 6 кўринишли опера)
З. ВОҲИДОВ либреттоси.

Дирижёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фазлитдин ШАМСУТДИНОВ.**

Саҳналаштирувчи режиссёр — Мансур САЪДУЛЛАЕВ.

Хормейстер — Сулаймон ШОДМОНОВ.

Рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми Давлат мукофоти лауреати **Мели МУСАЕВ**

Рақсларни СССР халқ артистқаси Давлат мукофоти лауреати **Мукарама ТУРҒУНБОЕВА** саҳналаштирган.

ТОШКЕНТ «ЮЛДУЗ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИГА

тикувчи-моторчилар, қўлда тикувчилар, қўлда ва лентали машинада қирқувчилар, жамловчилар, босмахонада қарф терувчилар ва печатчилар, ёрдамчи ишчилар, болалар муассасасига тарбиячи ва энагалар, водопровод слесарлари, газ-электр пайвандчилар, омборчилар ва омбор мудирлари, ҳамма касбга шогирдлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Виктор Малясов кўчаси, 2-уй (8, 9, 11, 18, 19, 20, 21, 49, 56-автобусларнинг «Олой бозори» бекати).

РЕСПУБЛИКАЛАРАРО ТОШКЕНТ «НЗОТОП» КОНТОРАСИГА

катта инженерлар, инженер-лар: механиклар, энергетиклар, радиоизотоп асбоблари бўйича физиклар; иқтисодчилар, товаршунослар, бухгалтерлар

КЕРАК

Ойлик иш ҳақига мукофот ҳам қўшиб тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 160, Ш. Руставели кўчаси, 45-уй, кадрлар бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРОФИКАЦИЯ МИНИСТРЛИҒИ

«ОБЪЕДИНЕННАЯ КОТЕЛЬНАЯ» КОРХОНАСИГА

Чилонзор, Шимол, Юнусобод массивлари ва студентлар шаҳарчаси қозон-бугхоналарида ишлаш учун

қозон машинистлари, кучли иссиқлик ускуналари бўйича **навбатчилар,** уларнинг ремонти бўйича **слесарлар,** химия цехи **инженерлари** ва **навбатчилар, инженер** ва **техник-теплотехник-лар, контроль-ўлчов асбоблари** ва **автоматика** бўйича **техниклар, қурувчи инженерлар, надрлар, хавфсизлик техникаси** бўйича ва **план** бўлими **инженерлари, таъминот** бўлими **ишчилари, бульдозерчилар, автокран машинистлари, касб-ҳунарга** эга бўлмаган **кишилар, машинистқалар**

КЕРАК

Маош умумий тарификация асосида 40% мукофоти билан тўланади.

Мутахассислар 1 йиллик муддатда квартира билан, ёлғизлар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қорамурт кўчаси, 225-уй (19, 41-автобусларнинг ва маршрут таксисининг сўнгги бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ЖОЙЛАРГА БОРИБ ИШЛАШ УЧУН

«СОЮЗМЯСОМОЛМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТОШКЕНТ МОНТАЖ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИГА

5—6 разрядли **монтажчи-слесарлар, газ-электр пайвандчилар,** ностандарт ускуналар тайёрлаш бўйича **слесарлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-47, Пролетар кўчаси, 4-уй, 6-подъезд, 4-қават. Телефон 33-44-09.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 6 ДЕКАБРЬ, 1969 й

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари — 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64579. НАШР 2920. Р. 04871